

## XIV. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига республика доимий аҳолиси сони 33 375,8 минг кишини ташкил этиб, йил бошидан 120,3 минг кишига ёки 0,4 % га ўсди.


Шу билан бирга, шаҳар аҳолиси сони 16 865,1 минг кишини (жами аҳоли сонига нисбатан 50,5 %), қишлоқ аҳолиси сони 16 510,7 минг кишини (49,5 %) ташкил этди.

### Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот (2019 йил 1 апрель ҳолатига)


	Доимий аҳоли сони, минг киши			Доимий аҳоли сонининг ўсиш суръати, % да		
	Жами	шу жумладан:		Жами	шу жумладан:	
		шаҳар	қишлоқ		шаҳар	қишлоқ
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>33 375,8</b>	<b>16 865,1</b>	<b>16 510,7</b>	<b>101,9</b>	<b>101,7</b>	<b>102,0</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	1 875,4	920,4	955,0	101,5	101,3	101,7
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	3 077,2	1 608,8	1 468,4	101,9	101,8	101,9
Бухоро	1 900,0	702,6	1 197,4	101,6	101,2	101,9
Жиззах	1 358,2	636,8	721,4	102,1	102,0	102,2
Қашқадарё	3 225,8	1 388,7	1 837,1	102,1	102,0	102,2
Навоий	982,6	479,3	503,3	101,7	101,1	102,2
Наманган	2 763,1	1 784,2	978,9	102,0	102,0	102,1
Самарқанд	3 813,6	1 419,5	2 394,1	102,1	101,8	102,4
Сурхондарё	2 580,6	914,0	1 666,6	102,2	101,9	102,4
Сирдарё	833,0	356,0	477,0	101,8	101,5	102,0
Тошкент	2 907,0	1 430,9	1 476,1	101,4	101,2	101,6
Фарғона	3 695,5	2 089,3	1 606,2	101,8	101,6	102,0
Хоразм	1 841,0	611,8	1 229,2	101,7	101,5	101,8
Тошкент шаҳри	2 522,8	2 522,8	х	101,9	101,9	х

Республика худудлари кесимида 2019 йил 1 апрель ҳолатига энг кўп аҳоли сони Самарқанд вилоятида 3813,6 минг кишини (республика аҳоли сонигаги улуши (11,4%), Фарғона вилоятида 3695,5 минг кишини (11,1%), Қашқадарё вилоятида 3225,8 минг кишини (9,7%) ва Андижон вилоятида 3077,2 минг кишини (9,2%) ташкил этди.

**Худудлар кесимида доимий аҳоли сонининг тақсимланиши**  
(2019 йил 1 апрель ҳолатига; республика жами аҳолисига нисбатан, % да)



**Доимий аҳоли сонининг асосий ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши**  
(2019 йил 1 апрель ҳолатига; жамига нисбатан % да)



- Меҳнатга лаёқатли ёшдан кичиклар
- Меҳнатга лаёқатли ёшдагилар
- Меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар

Дастлабки маълумотларга кўра 2019 йил 1 апрель ҳолатига Республика доимий аҳолиси сонининг 30,4 % и меҳнатга лаёқатли ёшдан кичиклар, 59,5 % и меҳнатга лаёқатли ёшдагилар ва 10,1 % и меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар ҳиссасига тўғри келмоқда.


### Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг табиий ҳаракати (январь-март)

Кўрсаткичлар	Минг киши		1000 аҳолига нисбатан	
	2018 йил	2019 йил	2018 йил	2019 йил
Туғилганлар	147,1	159,5	18,2	19,4
Ўлганлар	37,7	37,1	4,7	4,5
<i>шу жумладан: 1 ёшгача ўлган болалар</i>	1,7	1,6	9,8 <sup>1)</sup>	8,3 <sup>1)</sup>
Никоҳлар сони, <i>минг</i>	52,0	53,7	6,5	6,5
Ажримлар сони, <i>минг</i>	8,1	8,0	1,0	1,0

<sup>1)</sup> 1000 туғилганга

**Туғилиш.** 2019 йил январь-март ойларида 159,5 мингта бола туғилганлиги (бу ерда ва бундан кейин туғилганлар сифатида фақат тирик туғилганлар инобатга олинган) қайд этилган бўлиб, 2018 йилнинг мос даврига (147,1 минг бола) нисбатан 12,4 минг болага кўпайди, туғилиш коэффициенти 19,4 промиллени ташкил этди.


### Ҳудудлар кесимида туғилганлар сони ва коэффициенти (2019 йил январь-март)



Туғилиш коэффициентининг сезиларли даражада ўсиши Тошкент шаҳрида (15,7 промилледан 17,8 промиллега), Сирдарё (18,1 промилледан 20,3 промиллега), Жиззах (20,2 промилледан 22,0 промиллега), Тошкент (16,6 промилледан 18,4 промиллега), Наманган (18,8 промилледан 20,3 промиллега), Андижон (18,0 промилледан 19,4 промиллега), Фарғона (17,1 промилледан 18,5 промиллега) вилоятларида қайд этилди.

Шу билан бирга, туғилиш коэффициентининг юқори даражаси Жиззах, Сурхондарё (22,0 промилле), Қашқадарё (21,3 промилле), Самарқанд (21,1 промилле) вилоятларида кузатилди.

### Туғилганларнинг туғилиш тартиби бўйича тақсимланиши, % да



2019 йилнинг январь-мартида туғилганларнинг туғилиш тартиби бўйича 30,7 % и биринчи болага (2018 йил январь-март ойларида - 35,6 % бўлган), 36,0 % и иккинчи болага (2018 йил январь-март ойларида - 34,2 %), 33,3 % и учинчи ва ундан кўп болага (2018 йил январь-март ойларида - 30,2 %) тўғри келди.

**Ўлим.** 2019 йил январь-март ойларида ўлганлар сони 37,1 минг кишини ташкил этиб, 2018 йил январь-март ойларига нисбатан (37,7 минг киши) 0,6 минг кишига камайди, мос равишда ўлим коэффициенти 4,5 промиллени ташкил этди (2018 йил январь-мартида - 4,7 промилле бўлган).

Ўлим коэффициентининг паст даражаси Жиззах, Қашқадарё (3,7 промилле), Бухоро (3,8 промилле), Сурхондарё (3,9 промилле) вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (3,9 промилле) қайд этилди.

Рўйхатга олинган жами ўлганларнинг 63,8 % и қон айланиш тизими касалликларидан, 9,0 % и ўсимталардан, 5,2 % и овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликларидан, 5,1 % и нафас олиш аъзолари касалликларидан, 4,3 % и бахтсиз ходиса, захарланиш ва жароҳатланишлардан, 1,4 % и юқумли ва паразитар касалликлардан ҳамда 11,2 % и бошқа касалликлардан вафот этган.

## Худудлар кесимида вафот этганлар сони ва коэффициенти

(2019 йил январь-март)



## Ўлганларнинг асосий ўлим сабаби бўйича тақсимланиши

(жами вафот этганларга нисбатан, %) да



Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йил январь-март ойларида 1 ёшгача болалар ўлими 1,6 минг нафарни ташкил этиб, гўдаклар ўлими коэффициенти 8,3 промиллени (2018 йил январь-мартда - 9,8 промилле бўлган) ташкил этди.

Гўдаклар ўлими коэффициентининг юқори даражаси Тошкент шаҳрида 11,6 (1000 тирик туғилганга), Наманган 11,4, Жиззах 11,2, Андижон 10,9, Хоразм 10,2, вилоятларида кузатилди.

Рўйхатга олинган 1 ёшгача жами ўлган болаларнинг 52,1 % и перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 20,3 % и нафас олиш аъзолари касалликларидан, 16,0 % и туғма аномалиялардан, 2,1 % и юқумли ва паразитар касалликлардан, 2,1 % и бахтсиз ҳодиса, захарланиш ва жароҳатланишлардан, 0,7 % и овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликларидан, 6,7 % и бошқа касалликлардан вафот этган.


Бундан ташқари, 2019 йилнинг январь-март ойларида, дастлабки маълумотларга кўра 24 та оналар ўлими ҳодисаси қайд этилиб, оналар ўлими коэффициенти эса 15,1 ни (100 минг тирик туғилганга) ташкил этди.

Оналар ўлими коэффициентининг юқори даражаси Самарқанд 25,3 (100 минг тирик туғилганга), Навоий 23,5, Тошкент 22,7, Наманган 21,8, Сурхондарё 21,5, Андижон 20,4 вилоятларида қайд этилди.

Жами вафот этганларнинг 6,4 % и меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ёшдагиларга (2018 йилнинг январь - мартда – 7,0 %), 24,7 % и - меҳнатга лаёқатли ёшдагиларга (2018 йилнинг январь - мартда – 26,3 %) ва 68,9 % и меҳнатга лаёқатли ёшдан катта ёшдагилар (2018 йилнинг январь-мартда – 66,7 %) ҳиссасига тўғри келди.

Вафот этганларнинг асосий қисми, яъни 68,9 % ини меҳнатга лаёқатли ёшдан катта ёшдаги аҳоли ташкил этган.

**Ўлганларнинг асосий ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши**  
(жами вафот этганларга нисбатан), %




**Никоҳ.** 2019 йилнинг январь-март ойларида ФХДЁ органлари томонидан 53,7 минг никоҳ қайд этилди, мос равишда 1000 аҳолига нисбатан никоҳ тузиш коэффициентини 6,5 промиллени ташкил этди.

Никоҳ тузиш коэффициентининг сезиларли ўсиши Наманган (4,7 дан 5,4 промиллега), Тошкент (5,5 дан 6,2 промиллега), Бухоро (7,4 дан 7,8 промиллега), Жиззах (5,2 дан 5,6 промиллега), Андижон (6,0 дан 6,3 промиллега), Навоий (4,9 дан 5,0 промиллега), Сурхондарё (7,1 дан 7,2 промиллега) вилоятлари ва Тошкент шаҳрида (5,0 дан 5,6 промиллега) кузатилди.

### Худудлар кесимида тузилган никоҳлар сони ва коэффициенти

(2019 йил январь-март)




**Никоҳдан ажралишлар.** 2019 йилнинг январь-март ойларида ФХДЁ органлари томонидан 8,0 мингта никоҳдан ажралишлар қайд этилган бўлиб, 1000 аҳолига нисбатан никоҳдан ажралиш коэффициентини 1,0 промиллени ташкил этди.

Никоҳдан ажралиш коэффициентининг сезиларли даражада ўсиши Андижон (1,2 дан 1,4 промиллега) ва Тошкент шаҳрида (1,6 дан 1,8 промиллега) кузатилди.

## Худудлар кесимида никоҳдан ажралишлар сони ва коэффициенти

(2019 йил январь-март)



**Миграция.** Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь-март ойларида республика бўйича кўчиб келганлар сони 41,5 минг кишини, кўчиб кетганлар сони эса 43,6 минг кишини ташкил этди.

Шунга мувофиқ, миграция сальдоси минус 2,1 минг кишини ташкил этиб, 2018 йилнинг мос даврида минус 2,5 минг кишини ташкил этган.

Миграция сальдосининг юқори даражаси Қашқадарё (минус 1,4), Самарқанд (минус 1,3), Тошкент, Бухоро (минус 0,8), Сурхондарё (минус 0,7), вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида (минус 0,7) қайд этилди.

Миграция сальдоси ижобий даражаси Тошкент шаҳрида (плюс 5,8) кузатилди.

**Аҳоли миграцияси**  
(январь-март, минг киши)


	Келиш		Кетиш		Миграция сальдоси	
	2018 й.	2019 й.	2018 й.	2019 й.	2018 й.	2019 й.
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>44,9</b>	<b>41,5</b>	<b>47,4</b>	<b>43,6</b>	<b>-2,5</b>	<b>-2,1</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	3,1	3,2	3,8	3,9	-0,7	-0,7
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	1,9	1,8	2,4	2,4	-0,5	-0,6
Бухоро	1,6	1,2	2,3	2,0	-0,7	-0,8
Жиззах	3,0	2,9	3,3	3,1	-0,3	-0,2
Қашқадарё	3,4	2,6	4,6	4,0	-1,2	-1,4
Навоий	3,3	2,7	3,2	2,9	0,1	-0,2
Наманган	1,2	1,4	1,5	1,7	-0,3	-0,3
Самарқанд	3,6	2,7	4,7	4,0	-1,1	-1,3
Сурхондарё	4,1	2,6	4,5	3,3	-0,4	-0,7
Сирдарё	2,4	2,4	2,6	2,6	-0,2	-0,2
Тошкент	4,4	4,5	6,0	5,3	-1,6	-0,8
Фарғона	3,7	4,2	4,1	4,5	-0,4	-0,3
Хоразм	2,0	1,7	2,3	2,1	-0,3	-0,4
Тошкент ш.	7,2	7,6	2,1	1,8	5,1	5,8

Шунингдек, дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йил январь-март ойларида Ўзбекистонга хорижий мамлакатлардан доимий яшаш учун кўчиб келганлар сони 0,8 минг кишини, Ўзбекистондан хорижий мамлакатларга доимий яшаш учун кўчиб кетганлар сони эса 2,9 минг кишини ташкил этди.

Ўзбекистон Республикасига хорижий мамлакатлардан кўчиб келганларнинг асосий қисми Тожикистон Республикаси (жами хориждан кўчиб келганларга нисбатан 26,2 %), Қозоғистон Республикаси (24,9 %) Россия Федерацияси (21,4 %), Қирғизистон Республикаси (16,4 %) ва бошқа мамлакатлар (11,1 %) ҳиссаларига тўғри келади.

## Ўзбекистон Республикасига хорижий мамлакатлардан кўчиб келганларнинг тақсимланиши

(2019 йил январь-март ойларида, жами хориждан кўчиб келганларга нисбатан, %да)



Шунингдек, Ўзбекистон Республикасидан хорижий мамлакатларга кўчиб кетганларнинг асосий қисми Қозоғистон Республикаси (жами хорижга кўчиб кетганларга нисбатан 47,9 %), Россия Федерацияси (45,6 %), Исроил (1,1 %), Америка Қўшма Штатлари (0,7%), ва бошқа мамлакатлар (4,7 %) ҳиссасига тўғри келмоқда.

## Ўзбекистон Республикасигдан хорижий мамлакатларга кўчиб кетганларнинг тақсимланиши

(2019 йил январь-март ойларида, жами хорижга кўчиб кетганларга нисбатан, %да)

